

## Гаровга қўйилаётган ер усти транспорт воситаларини суғурта қилиш бўйича шартнома

(03 класс)

Умумий суғурта тармоғида суғурта фаолиятини амалга ошириши учун 2022 йил "25" февралда берилган 00045-сонли Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Лицензиясига ва Уставига биноан «ISHONCH SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ ҚК номидан Низом ва 20\_\_ йил «\_\_» №\_\_ - сонли Бош Ишончнома асосида ҳаракат қилувчи \_\_\_\_\_ вилоят филиали директори \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда «Суғурталовчи» деб аталади), \_\_\_\_\_ номидан ҳаракат қилувчи \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда Суғурта қилдирувчи деб аталади), ва Устав асосида ҳаракат қилувчи \_\_\_\_\_ раҳбари \_\_\_\_\_, (кейинги ўринларда «Наф олувчи» деб аталади), \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда «Гаровга қўювчи» деб аталади), кейинги ўринларда суғурта шартномаси бўйича Томонлар деб ҳам аталади, ушбу Шартномани қуйидагича туздилар:

### 1. УМУМИЙ ШАРТЛАР

1.1. Шартномада келишилган тўлов (Суғурта мукофоти) учун Суғурталовчи шартномада келтирилган ҳодиса (Суғурта ходисаси) натижасида Суғурта қилдирувчининг суғурталанган гаровга қўйилган транспорт воситасига (кейинги ўринларда «ТВ» деб аталади) етказилган зарарни шартномада келишилган пул (Суғурта пули) ҳажмида қоплаш (Суғурта товонини тўлаш) мажбуриятини олади. Суғурталанган ТВ рўйхати ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлиб, 1.2. бандида кўрсатилади ёки 1-сонли иловада келтирилади. Ушбу шартнома Анкета-ариза ва 3 класс бўйича Суғурта Қоидаларига (Шартларга) асосланган ҳолда тузилган бўлиб, улар шартноманинг ажралмас қисми деб тан олинади. Суғурталовчи мазкур ТВ \_\_\_\_\_ -сонли Кредит шартномаси бўйича таъминот сифатида ва \_\_\_\_\_ -сонли Гаров шартномаси бўйича Гаровга қўювчи томонидан гаровга қўйилганлиги туғрисида хабардор.

1.2. Суғурта объекти: ТВ 1-сонли Иловада кўрсатилади.

1.3. Суғурта жойи (манзил): \_\_\_\_\_

1.4. Наф олувчи (Банк, Кредит уюшмаси) \_\_\_\_\_.

1.5. ТВ нинг суғурта қиймати \_\_\_\_\_ сўм. Суғурта пули \_\_\_\_\_ сўм.

(Наф олувчи ва Суғурта қилдирувчи/Гаровга қўювчи орасида тузилган баҳолаш далолатномаси асосида аниқланади).

1.6. Шартнома бўйича Суғурта мукофоти \_\_\_\_\_ сўмни ташкил этади ва Суғурталовчининг ҳисоб рақамига ёки унинг суғурта агентига қуйдагича тўланади: (вариант а) ёки в) танланади)

а) Суғурта мукофоти ушбу Шартномани томонлар имзолагандан сўнг, 5 (беш) банк куни ичида Суғурта қилдирувчи томонидан тўланиши керак;

в) Суғурта мукофоти босқичма-босқич тўланади: I қисми – \_\_\_\_\_ (25% дан кам бўлмаслиги керак) 201\_\_ й «\_\_» \_\_\_\_\_ гача., II қисми – \_\_\_\_\_ 201\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_ гача. Суғурта мукофотини тўлаш муддати 15 (ун беш) банк кунидан ўтказиб юборилган тақдирда, Суғурталовчининг мажбуриятлари суғурта мукофотининг навбатдаги қисми Суғурталовчининг ҳисоб рақамига тушгунча, вақтинчалик тухтайди.

1.7. Шартсиз франшиза суғурта пулидан \_\_\_\_\_ % ташкил қилади.

1.8. Мазкур шартнома унинг тузилган кунидан бошлаб кучга қиради агар Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти (ёки унинг келишилган қисми) Шартноманинг 1.6 бандида келишилган муддатда тўланган бўлса, ёки суғурта мукофоти тўланган куннинг санасидан бошлаб кучга қиради агар суғурта мукофоти кечиктириб тўланса. Суғурталовчининг суғурта товонларини тўлаш бўйича мажбуриятлари суғурта мукофоти тўланган санасидан бошлаб ва Гаров шартномаси кучга киргандан сўнг кучга қиради. Суғурталовчи фақат Полисада кўрсатилган даврдаги содир бўлган суғурта ходисалар учун тўланган суғурта мукофотига мутаносиб равишда жавоб беради.

1.9. Суғурта полиси - суғурта шартномаси тузилганлигини ва суғурта қоидаларининг шартларига кўра Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Бу ҳужжат суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми Суғурталовчига тўлангандан кейин 3 (уч) кун ичида берилади.

1.10. Мазкур Шартнома унга барча томонлар қўл қўйишгандан бошлаб \_\_\_\_\_ ой амалда бўлади.

### 2. СУГУРТА ХОДИСАСИ

2.1. Қуйидагилар натижасида ТВ ва унга ўрнатилган қўшимча асбоб-ускуналар (Анкета-аризада қайд қилинган) шикастланганда ёки талофат кўрганида

- **йўл - транспорт ходисаси (кейинчалик - ЙТХ)** - суғурталанган ТВ йўл ҳаракати иштирокчиси бўлганида содир бўлган ҳодиса (урилиш, ағдариш, йиқилиш, босиб ўтиш ва ҳоказо) ва суғурталанган ТВнинг иштирокида, унинг ҳаракатда бўлган ёки бўлмаганлигидан катъи назар, инсонларни жароҳатланиши ёки ўлими ёхуд ТВларни, биноларни, юкларни шикастланиши ёки бошқа моддий зарар етказилишига олиб келган ҳодиса;
- **ёнғин** - бошланиш ўчоғидан ташқарига тарқалиши билан кечадиган очиқ аланга кўринишидаги ёнғин. Суғурталанган ТВнинг электр тизимидаги қисқа туташув ёки унинг двигатели ичидаги аланга натижасида пайдо бўлган иссиқлик таъсири, агар аланга пайдо бўлган жойидан ташқарига тарқалмаса, ёнғин деб ҳисобланмайди;
- **портлаш** - барқарор бўлмаган тизимнинг жуда тез кимёвий реакцияси натижасида пайдо бўлган газ ва буғларнинг кенгайишига асосланган босимнинг вайрон қилувчи кучи портлашни ифодалайди;
- **предметларнинг зарбаси** - ҳар қандай предметларнинг тушиши ёки зарбаси натижасида суғурталанган ТВнинг нобуд бўлиши ёки шикастланиши, олди ва/ёки эшик ойналарини шикастланиши ҳам;

- **табiiй офатлар - ҳалокатли табiiй ҳодисалар** - суғурталанган ТВга моддий зарар келтириши мумкин бўлган фавкулотдаги табiiй офатлар ва жараёнлар: ер қимирлаши, вулқон отилиши, сув босиши, бўрон, цунами, сел ва бошқалар.  
Юқорида кўрсатилган ҳолатлар натижасида кузовнинг бир детали юзасидаги лок бўёқ қопламаси метали деформацияланмаган ҳолда шикастланган бўлса, бу суғурта ҳодисаси деб ҳисобланмайди;
- **учинчи шахслар томонидан ТВга қасдан моддий зарар етказиш** (ёқиб юбориш, бузиш ва х.к.). Бу ҳаракатлар ваколатли органлар томонидан тасдиқланиши шарт;

## 2.2. Куйидагилар натижасида ТВни ўғирланиши:

- **ҳайдаб олиб қочиш** - ўғирлаш ниятсиз, суғурталанган ТВни қонунга ҳилоф равишда эгаллаб олиш. Агар суғурта шартномасида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, эксплуатация муддати 2 йилгача бўлган Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ҳамда эксплуатация муддати 3 йилгача бўлган хорихда ишлаб чиқарилган ТВлар ўғирланишга қарши мосламага эга бўлганда, «Ҳайдаб олиб қочиш» қалтислиги бўйича суғурталаниши мумкин.
- **ўғирлаш** - суғурталанган ТВни ёки унинг комплектациясига қирадиган жиҳозларини, қисмларини ва/ёки эҳтиёт қисмларини яширин равишда ўғирлаш;
- **талончилик** - суғурталанган ТВни ёки унинг комплектациясига қирадиган жиҳозларини, қисмларини ва/ёки эҳтиёт қисмларини очикдан-очик талон - тарож қилиш;
- **босқинчилик** - босқинчилик - суғурталанган ТВни ёки унинг комплектациясига қирадиган жиҳозларини, қисмларини ва/ёки эҳтиёт қисмларини ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш учун қўрқитиш йўли билан талон - тарож қилиш мақсадида ҳужум қилиш.

## 3. СУГУРТА ҲОДИСАСИДАН ИСТИСНОЛАР

### 3.1. Ҳодисалар куйидагилар туфайли келиб чиққан бўлса, суғурта ҳодисалари деб ҳисобланмайди:

- а) ТВ ҳамда унинг алоҳида детал ва узелларини табiiй ёйилиб, ёскириши;
- б) ишлаб чиқарувчи заводнинг ишлаб чиқаришдаги нуқсон;
- в) йўлнинг қатнов қисмидаги нотекикликлар ёки унинг ёмон ҳолати, ўткир предметларни босиб ўтиш туфайли шиналарни шикастланиши, агар бу ТВни ҳалокати ёки шикастланишига олиб келмаса;
- г) суғурта қилдирувчининг суғурталанган ТВни ўзгартириши ва/ёки мукамаллаштириши билан боғлиқ бўлган ҳаражатлари;
- д) суғурта қилдирувчи ёки унинг ҳайдовчиси томонидан ўзининг ихтиёрида бўлган суғурталанган ТВда суғурта ҳодисаси келиб чиқишига қаратилган қасдан содир этилган ҳаракатлари (суғурта қилдирувчининг фуқаролик бурчини бажариши билан боғлиқ бўлган ёки суғурта қилдирувчи ёки учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, ор - номуси ва қадр - қимматини ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракатлари бундан мустасно);
- е) суғурта қилдирувчи томонидан ижарага, лизингга олинган ёки ёлланган мулкка (суғурта қилдирувчининг суғурталанган ТВдан ташқари), суғурталанган ТВ ичида бўлган ҳамда унга ортилаётган ёки ундан туширалаётган мулкка етказилган ҳар қандай зарар;
- ж) тегишли тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлмаган суғурта қилдирувчи ёки унинг ҳайдовчиси томонидан суғурталанган ТВни бошқариш;
- з) суғурта қилдирувчи ёки унинг ҳайдовчиси томонидан суғурталанган ТВдан ҳайдовчиликка ўргатиш ёки мусобақа ва синовларда қатнашиш мақсадида фойдаланиш;
- и) агар суғурталанган ТВ ҳайдовчиси суғурта ҳодисаси жойидан яширинса ёки тиббий кўриқдан (экспертизадан) ўтишдан бош тортса; суғурталанган ТВ суғурта ҳодисаси жойидан яширинса, лекин кейинчалик аниқланган бўлса ҳам;
- к) суғурталанган ТВда олиб кетилаётган йўловчилар сони/юқнинг оғирлиги суғурталанган ТВни ишлаб чиқарган завод томонидан ўрнатилган йўловчилар сони/юқ оғирлигидан ортиқ бўлса;
- л) суғурта қилдирувчи ёки унинг ҳайдовчиси суғурталанган ТВни спиртли ичимлик, наркотик ёки токсик моддалар таъсирдан маст бўлган ҳолатида бошқариши;
- м) ёнғин хавфсизлиги қоидаларини, ёнғин жихатидан хавфли ҳамда портловчи предмет ва моддаларни сақлаш ва ташиш қоидаларини бузилиши;
- н) суғурталанган ТВдан суғурта шартномасида белгиланган географик ҳудуддан ташқарида фойдаланиш;
- о) темир йўлни кесиб ўтиш қоидаларини бузиш, светофорнинг қизил чироғига ўтиш ёки ўрнатилган йўналишга қарши ҳаракатланиш, белгиланган ҳаракат тезлигини ошириш, мажбурий суғурта (ТВЭФЖМСҚ) полиси бўлмаса, чарчаган ёки касал ҳолатда ТВни бошқариш. Бу ҳолатларда Суғурталовчи суғурта қопламани тўламаслик ёки қисман тўлашга ҳақлидир;
- п) ҳарбий бостириб кириш ҳаракатлари; ҳарбий ёки ҳарбий ҳаракатларга ўхшаш ҳаракатлар (уруш эълон қилинган ёки қилинмаганлигидан катъи назар), фуқаролик урушлари;
- р) исён, фуқароларнинг оммавий кўзғалони, иш ташлашлар;
- с) шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан содир этилган террорчилик ҳаракатлари;
- т) ҳар қандай ядро ёқилғиси ёки ҳар қандай радиоактив моддаларнинг ташқарига чиқиши ёки ядровий ёқилғини ёнишидан келиб чиққан ионлаштирувчи радиация ёки радиоактив ифлосланиш;
- у) реактор ёки бошқа ядровий таркибий қисмга эга бўлган ҳар қандай объектларнинг радиоактив, токсик, портловчи ва бошқа хавфли ёки ифлослантурувчи хусусиятлари;
- ф) радиоактив нурланиш ва/ёки радиоактив куч ёки модда асосида таъсир этувчи ҳар қандай уруш қуроллари

**3.2. Суғурта ҳодисаси туфайли суғурта қилдирувчининг келиб чиқиши мумкин бўлган билвосита ва бошқа харажатларига** (жарима, ижарада бўлган ТВ учун ижара хақи, таъмирлаш вақтида меҳмонхонада туриши, хизмат сафари хақлари, даромаднинг йўқотилиши, бекор туриб қолиш, кафолатланган муддатнинг ўтиши билан боғлиқ бўлган моддий зарарлар, маънавий зарар, бозорбоп киймати пасайиши ва бошқалар) нисбатан суғурталовчи мажбуриятини бажармайди

**3.3. Суғурталовчи куйдаги ҳолатларда қисман ёки тўла суғурта товонни тўлашдан бош тортиши мумкин, агар хайдовчи, суғурта қилдирувчи ёки наф олувчи:**

а) ТВни тўхташ ёки тўхтаб туриш вақтида уни эшикларини қулубламай ёки ойналарни беркитмай қолдирса;

б) ТВни калитларини учинчи шахслар эгалик қилиши осон бўлган жойга қўйса, ёки калитларни ёқатганда суғурталовчига 3 кун ичида ёзма равишда хабар бермаган бўлса;

в) ТВни хайдаб қочиш ҳолатларида тегишли куриқлаш тизимини учириб қўйган ёки ўрнатмаган бўлса.

Товонни қисман тўламаслик миқдори суғурталовчи томонидан белгиланади.

**3.4. Шартнома бўйича суғурта товонини талаб қилиш ҳуқуқи куйдаги ҳолатларда қаноатлангирилмайди:**

а) агар зарарни қоплаш талаби алдаш мақсадида амалга оширилса;

б) талабни амалга ошириш учун қалбаки маълумотлар тақдим этилса;

в) шартномада белгиланган муддат ва услубда суғурта ҳодиса тўғрисида хабар берилмаса ва тегишли ҳужжатлар тақдим этилмаса.

## **4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**4.1. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:**

а) суғурта мукофотини шартномада белгиланган тартиб ва муддатларида тўлаш;

б) ТВни техник соз ҳолатда сақлаш ва ишлатиш;

в) суғурта шартномаси амал қилган даврда суғурта шартномаси тузилаётганда суғурталовчига маълум қилинган ҳолатларда суғурта қалтислигини ошишига жиддий таъсир этиши мумкин бўлган ўзгаришлар пайдо бўлганлиги маълум бўлса, бу ҳақида зудлик билан суғурталовчини хабардор қилиш. Жиддий деб куйдаги ўзгаришлар тан олинади: кузов ёки двигательни алмаштириш, қўшимча жихоллар ўрнатиш, суғурта объектини нобут бўлиши ёки қисман шикастланиши, агар бу ҳолат суғурта билан қопланмаса ҳам, электрон хайдаб қочиш мосламасини ТВдан олиб ташлаш, ТВсини бошқа шахсга ижарага, гаровга, лизингга бериш ёки ТВнинг эгаси ўзгариши, ТВсини ишлатиш мақсадини ёки худудини ўзгартириш, ТВни рўйхатдан чиқариш, ДЙХХ органларида қайта рўйхатга олиш, ТВни унга хос бўлмаган мақсадларга ишлатиш, ТВни калитларини йўқотиш, сақлаш жойини ўзгартириш ва х.к.);

г) суғурта ҳодисаси рўй берганда кўрилиши мумкин бўлган зарарни бартараф этиш ёки камайтириш мақсадида оқилона ва мумкин бўлган чораларни кўриш. Бундай чораларни кўришда суғурта қилдирувчи суғурталовчининг кўрсатмаларига риоя қилиши керак, агарда бундай кўрсатмалар унга берилган бўлса;

д) суғурталовчининг розилигисиз жиҳозларни ечмаслик ва ТВни таъмирлаш ишларини бошламаслик (бу ишларни бажариш хайдовчи ва/ёки йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ёки ваколатли органларнинг буйруқ ва фармойишларини бажариш билан боғлиқ бўлган ҳолатлар бундан мустасно).

е) ТВни кўздан кечириш қуни, жойи ва вақтини суғурталовчи билан келишиш. Агарда суғурта шартномасида бошқача тартиб келишилмаган бўлса, суғурта ҳодисаси сабабли ТВ олган шикастларида унинг эксплуатацияси таъқиқланса ва/ёки техник жиҳатдан имкони бўлмаса, ТВни кўздан кечириш жойини суғурта қилдирувчи белгилайди;

ж) ТВни кўздан кечиришда катнашиш;

з) суғурта ҳодисаси рўй берган тақдирда, суғурта шартномаси шартларига асосан, дарҳол суғурталовчини ёзма равишда хабардор қилиш;

и) суғурта ҳодисаси рўй бериши билан зудлик билан суғурталовчига суғурта шартномасида кўрсатилган муддат ичида суғурта товонни тўлаш ҳақидаги талабни кўриб чиқиш учун барча ҳужжатларни тақдим этиш;

к) ТВни эксплуатация қилишнинг умумий қоидаларига мувофиқ техник соз ҳолатда тутиш мақсадида олдини олиш чора тадбирларини амалга ошириш.

**4.2. Суғурта қилдирувчи куйдаги ҳуқуқга эга:**

а) суғурталовчи билан келишилган ҳолда суғурта шартномаси шартларига ўзгартиришлар киритиш;

б) суғурта ҳодисаси рўй берган тақдирда суғурталовчидан суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш;

в) жисмоний шахс бўлган суғурта қилдирувчи вафот этганда ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан юридик шахс бўлган суғурта қилдирувчи тугатилганда суғурталовчига суғурта шартномасини қайта расмийлаштириш таклифи билан мувожабат қилиш.

г) шартноманинг амал қилиш даврида суғурталовчидан суғурта масалалари бўйича маслаҳатлар олиш;

д) тегишли тартибда суғурта полиси ёқатганда унинг дубликатини олиш.

**4.3. Суғурталовчининг мажбуриятлари:**

а) суғурта қилдирувчини суғурталаш шартлари билан таништириш ва суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта шартномасида кўзда тутилган муддат ва тартибда суғурта қилдирувчига (наф олувчига) суғурта товонини тўлаш;

б) ўзининг профессионал иш фаолияти натижасида суғурта қилдирувчи (наф олувчи) ва уларнинг мулкӣ ва молиявий аҳволи ҳақидаги олган маълумотларини ошкор этмаслик

- в) суғурта қилдирувчига суғурта ходисасини зарарларини камайтириш учун қилинган харажатларини қоплаб бериш;
- г) шартноманинг амал қилиш даврида суғурта қилдирувчига суғурта масалалари бўйича маслахатлар бериш;

#### **4.4. Суғурталовчи куйидаги ҳуқуқларга эга:**

- а) суғурта қилдирувчидан суғурта ходисаси ва унинг сабалари бўйича лозим бўлган маълумотларни талаб қилиш;
- б) суғурта қилдирувчи томонидан шартнома бўйича унга юклатилган мажбуриятлар бажарилмаган ёки старли даражада бажарилмаган бўлса, суғурта товонини тўлаш бўйича рад жавобни бериш;
- в) суғурта шартномаси амалдаги вақтда ТВси тўғрисида берилган маълумотларни ва унинг ҳолатини текшириш;
- г) суғурта ходисаси бўйича мустақил текшириш ўтказиш, шу жумладан ваколатли органлардан ахборотни олиш учун сўровномалар юбориш;
- д) агар суғурта ходисаси бўйича Суғурта қилдирувчига нисбатан суриштирув, тергов ҳаракатлари ёки суд жараёнлари олиб борилаётган бўлса, суғурта товонини тўлаш тўғрисида қарорни ушбу жараёнлар якунига қадар кечиктириш;
- е) куйидаги ҳолатларда суғурталовчи суғурта товонини тўлашдан бош тортиши мумкин:
  - суғурта ходисаси рўй берганлиги тўғрисида суғурта қилдирувчи (наф олувчи) ўз вақтида суғурталовчини хабардор қилмаганида;
  - суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта ходисаси содир бўлганлигини тасдиқловчи ҳамда ушбу ходисани келиб чиққан натижа билан сабабий боғланишини аниқлаш учун ҳужжат ва маълумотларни тақдим этмаганида ёки олдиндан ёлғон маълумотларни тақдим этганида;
  - ж) суғурта қалтислигини ошишига олиб келадиган ҳолатлар маълум қилинганда суғурта шартномасидаги шартларни ўзгартиришни ёки қўшимча суғурта мукофотини тўлашни талаб қилиш. Агар суғурта қилдирувчи суғурта шартномасининг шартларини ўзгартирилишига ёки қўшимча суғурта мукофотини тўлашга эътироз билдирса, суғурталовчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда суғурта шартномасини бекор қилинишини талаб қилишга ҳақли;
- з) суғурта ходисасини хавфини камайтириш учун превентив тадбирларни ўтказиш.

### **5. СУҒУРТА ХОДИСАСИ СОДИР ЭТИЛГАНДА ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

5.1. Суғурталовчига суғурта товони тўлаш талабини кўйишга асос бўладиган ҳар қандай зарар ёки шикастланиш содир бўлганда, **Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) куйидагиларни бажариши керак:**

5.1.1. зудлик билан содир бўлган ҳодиса тўғрисида ваколатли органларга (ЙХХ, ИИБ, Ёнгинга Қарши Хизмат, Фавқулот Вазиятлар Вазирлиги ва х.к.) хабар бериш ва тегишли протокол ёки маъмурий далолатнома тузиш лозим;

*Эслатма: Йўл Харақати Хавфсизлиги органларига мурожаат этишини иложиси бўлмаса, ходиса қатнашчилари ёки гувоҳларидан уларнинг Ф.И.О. ва яшаиш манзили кўрсатилган ҳолда ёзма равишда ахборот олишга йўл қўйилади.*

5.1.2. бу ходиса ҳақида 48 соат ичида Суғурталовчини хабардор қилиши ва 5 (беш) кун ичида зарар келтирилган ҳолат ва сабаблар кўрсатилган ёзма аризани Суғурталовчига йўллаши;

5.1.3. Суғурталовчига суғурта товони тўлаш талабини кўйишда **Суғурта қилдирувчи 60 (олтмиш) кун** ичида Суғурта полиси (асли нусха) билан куйдаги ҳужжатларни тақдим этади:

5.1.3.1. ТВга зарар етказилганда, ёки нобут бўлганда :

- а) суғурта ходисасига таалуқли бўлган ваколатли давлат органлари томонидан берилган хулоса ва маълумотлар, айнан:
  - Йўл Харақати Хавфсизлиги органларидан йўл транспорт ходисасига тегишли чизма, баённома, қарор;
  - Суд органларидан тегишли қарорлар;
  - Ёнгинга Қарши Хизмат органларидан ёнгинга таалуқли далолатнома, экспертиза, хулоса;
  - Гидрометбюро органларидан шу ҳудудда табиий офатлар ҳаракатини тасдиқловчи маълумотнома;
- б) Суд-тиббий экспертизасидан Суғурта қилдирувчини (ТВ хайдовчисини) қонида алкоголь ва наркотик моддалари йўқлиги тўғрисида маълумотноманинг нусхаси;
- в) ТВнинг техник паспорти ёки рўйхатга олинганлиги тўғрисида маълумотнома нусхаси;
- г) хайдовчилик гувоҳноманинг нусхаси;
- д) ТВни қонуний ишлатилишини тасдиқловчи путёвка, ишончнома ёки ижара шартноманинг нусхаси;
- е) Суғурталовчига кўриб ўрганиб чиқиш учун шикастланган ТВнинг тиклашдан олдин узини тақдим этиш ёки унинг шикастланган қисмларининг фото, видео тасвирларини тақдим этиш;
- ж) лицензияга эга бўлган ёки давлат баҳолаш ташкилоти томонидан тузилган зарар тўғрисидаги (эскириш ҳисоби билан) ҳисоботини тақдим этиш.

5.1.3.2. ТВ ва унинг агрегатлари, қисмлари ўғирланганда, ёки Шартноманинг 2.2. бандида кўрсатилаган ходисалар натижасида нобут бўлганда;

- а) Ички Ишлар тергов органларидан тегишли маълумотноманинг нусхаси;
- б) ТВнинг техник паспорти ёки рўйхатга олинганлиги тўғрисида маълумотнома нусхаси (агар суғурталанган ТВсидан ўғирланган бўлмаса);
- в) хайдовчилик гувоҳноманинг нусхаси (агар суғурталанган ТВсидан ўғирланган бўлмаса);
- г) ТВни қонуний ишлатилишини тасдиқловчи путёвка, ишончнома ёки ижара шартноманинг нусхаси.

**Суғурта товонни талаб этиш аризада куйдагилар белгиланиши шарт:** ТВнинг хайдовчисини фамилияси, исми, отасининг исми; суғурта воқеаси содир бўлган сана вақт ва аниқ жойи; суғурта воқеаси натижасида шикастланган ТВнинг тавсилоти

(русуми, давлат белгиси, двигатель ва кузов белги рақамлари), ташқи кўринишдаги ТВнинг шикастланган жойлари ва заранинг тавсифи; ЙТХнинг бошқа қатнашчиларининг фамиyasi, исми ва яшаш жойлари (агар Шартноманинг 2.1. бандидаги ходиса содир бўлса); ЙТХсида айбдор бўлган шахснинг фамиyasi, исми ва яшаш жойлари (агар Шартноманинг 2.1. бандидаги ходиса содир бўлса); ходиса бўйича жиной иш қўзғатилгани ёки қўзғатилмагани тўғрисида ахборот (агар Шартноманинг 2.2. бандидаги ходиса содир бўлса);

5.2. Ходиса бўйича барча тегишли ҳужжатлар тақдим этидгандан сўнг **Суғурталовчи**:

5.2.1. Суғурта товонни ҳисоблайди;

5.2.2. Мазкур Шартномада белгиланган тартиб ва муддатда суғурта товонни тўлаб беради.

## **6. СУГУРТА ТОВОННИ ТЎЛАШ ЁКИ РАД ЭТИШ ТАРТИБИ**

6.1. Суғурта товони эскириш ҳисоби билан ҳақиқий зарар миқдорида, лекин суғурта пулидан ошмаган ҳолда тўланади.

6.2. Суғурта товони куйдагича тўланади:

6.2.1. ТВнинг тўла нобут бўлиши ёки ўғирланишида:

а) суғурта пули миқдорида Шартноманинг 6.3.-6.5. бандларини ҳисобга олган ҳолда;

б) ҳақиқий қиймати суғурта товонга тенг бўлган бошқа ТВнинг тақдим этилиши билан.

6.2.2. ТВсига шикаст етганда:

а) техник хизмат кўрсатиш устахонасининг (СТО) тиклаш таъмир учун тузилган наряд – заказ / калькуляция асосида эскириш ва Шартноманинг 6.3.-6.5. бандларини ҳисобга олган ҳолда;

б) баҳолашга лицензияси бор махсус ташкилотнинг калькуляцияси асосида Шартноманинг 6.3.-6.5. бандларини ҳисобга олган ҳолда. Калькуляция шу ҳудудда амалда бўлган таъмир ишларнинг ва автомобиль қисмларнинг ўрта бозор нархлар асосида эскиришни ҳисобга олган ҳолда тузилади. Баҳолашга кетган харажатларни Суғурта қилдирувчи қоплайди.

6.3. Агар мазкур шартнома тузилиш кунига суғурта пули ТВнинг суғурта қийматидан камроқ бўлса, унда суғурта товони мутаносиб равишда тўланади. Агар суғурта шартномасида кўрсатилган ТВнинг суғурта пули суғурта қийматидан ортик бўлса, шартнома суғурта пулининг суғурта қийматидан ортик бўлган қисмида ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди. ЎР ФКнинг 935 бандига асосан суғурта пули суғурта қийматига мутаносиблиги Суғурталовчи томонидан суғурта ходисаси содир бўлганда аниқланиши мумкин.

6.4. Агар зарар миқдори шартномада кўрсатилган шартсиз франшизадан ошмаса, унда Суғурталовчи товонларни тўлашдан озод этилади, агар зарар миқдори шартномада кўрсатилган шартсиз франшизадан ошиқ бўлса, унда Суғурталовчи товонларни франшизани айриб тўлайди.

6.5. Агар зарар учинчи шахслар томонидан Суғурта қилдирувчига қисман қопланган бўлса, бу ҳолда Суғурталовчи қопланган суммани ҳисобга олган ҳолда суғурта товонни тўланади.

6.6. Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига тўланган ҳар бир тўлов мазкур шартноманинг тегишли суғурта пулини камайтиради, агар Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта пулини тиклаш учун қўшимча суғурта мукофоти тўланмаса.

**6.7. Етказилган зарар куйдаги ҳолатларда қопланмайди:**

6.7.1. Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига суғурталанган ТВси, қалтисликлар, суғурта ходисаси ва унинг сабаблари тўғрисида олдиндан сохта маълумотлар берган бўлса;

6.7.2. Суғурта қилдирувчи суғурта ходисасидан эҳтимол тутилган зарарни камайтириш учун оқилона ва мумкин бўлган чораларни кўрмаса;

6.7.3. Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига суғурта ходисани ўрганиб чиқишда ва зарарларнинг миқдорини аниқлашда тускинлик қилса;

6.7.4. мазкур шартномада белгиланган тартиб ва муддатларда Суғурталовчига суғурта ходисаси содир этилганлиги тўғрисида хабар берилмаса ва ходисани кўриб чиқиш учун тегишли ҳужжатларни тақдим этилмаса;

6.7.5. агар Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) Суғурталовчи томонидан қопланган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки бу ҳуқуқни амалга ошириш Суғурта қилдирувчининг (Наф олувчининг) айби билан мумкин бўлмаган бўлса, Суғурталовчи суғурта товонини тўлиқ ёки унинг тегишли қисмини тўлашдан озод қилинади ва товоннинг ортикча тўланган суммасини қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир;

6.7.6. суғурта ходисаси Суғурта қилдирувчининг ёки унинг ҳайдовчисининг қўпол эҳтиётсизлиги оқибатида юзага келганда (Йўл Харақати Қоидаларининг темирйўл пересездларидан ўтиш қоидаларини бузиш, светофорнинг қизил чироғига ўтиш, қарама қарши йўналишда ҳаракатланиш, ТВсини чарчаган ёки касал ҳолатда бошқариш). Бу ҳолатларда Суғурталовчи суғурта товонни тўлашдан бош тортиши ёки товоннинг миқдорини камайтиришга ҳақлидир;

6.7.7. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва Қоидаларда назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

6.8. Шартнома шартларига, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига риоя қилмаслик, Суғурта қилдирувчига суғурта тўловини тўланишини рад қилинишига олиб келади. Суғурталовчини Суғурта қилдирувчига суғурта тўловини тўлашдан озод қилиниши, бир вақтнинг ўзида Суғурталовчини Наф олувчи ва Гаровга қўювчига ҳам суғурта тўловини тўлашдан озод қилади. Ушбу ҳолларда, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда жабрланганга келтирилган зиённи тўлиқ қоплаш жавобгарлиги бевосита ушбу зиённи келтирган зиммасида бўлади.

9.1. Ходисанинг сабаблари ва ҳолатларини кўрсатувчи ҳамда зарарнинг миқдорини аниқловчи ҳужжатларни олгандан сўнг Суғурталовчи суғурта ходисасини тан олиш ҳақида 15 (ўн беш) иш кун ичида қарор чиқаради. Суғурталовчи суғурта ходисасини тан олса, суғурта товонини миқдорини белгилайди ва тегишли суғурта ходисаси тўғрисидаги далолатнома Суғурта

қилдирувчига ва/ёки Қарз оувчига тақдим этади. Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатномага барча томонлар қўл қўйгандан сўнг:

- 10 (ўн) иш куни ичида, агар зарар миқдори 10 000 000 сўмдан ошмаса.
- 20 (йигирма) иш куни ичида, агар зарар миқдори 20 000 000 сўмдан ошмаса.
- 30 (ўттиз) иш куни ичида, агар зарар миқдори 30 000 000 сўмдан ошса.

6.9. Суғурталовчи суғурта товонини Наф олувчига ёки унинг ёзма кўрсатмасига биноан Қарз олувчига (Гаровга қўювчига, агар мулк Суғурта қилдирувчиники бўлмаса) тўлайди..

6.10. Суғурталовчининг суғурта товонини еки суғурта пулини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори суғурта қилдирувчига (наф олувчига) улар суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни сўраб мурожаат этганларидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

## **7. ШАРТНОМАНИ ТУГАТИШ ВА МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТЎХТАТИШ**

7.1. Шатнома куйдаги ҳолатларда тугатилади:

- 7.1.1. унинг муддати тугаганда;
- 7.1.2. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги асосида Суғурталовчи ёки Суғурта қилдирувчи тугатилса;
- 7.1.3. суд томонидан Шартномани бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинса;
- 7.1.4. Суғурталовчи томонидан суғурта товони тўлиқ суғурта пули миқдорида тўланса;
- 7.1.5. шартнома бўйича навбатдаги суғурта бадали 30 кун ичида тўланмасая бунда олдин тўланган суғурта бадаллари қайтарилмай;
- 7.1.6. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган бошқа ҳолатларда.

7.2. Суғурта шартномаси, агар у кучга кирганидан кейин суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоли йўқолган ва суғурта хавфининг мавжуд бўлиши суғурта ҳодисасидан бошқа ҳолатлар бўйича тугаган бўлса, тузилган шартнома муддати келишидан олдин бекор бўлади. Бу ҳолатда шартнома томонларнинг ўзаро келишуви асосида тўхтатилса, Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига шартномада кўрсатилган суғурта мукофотидан 30% иш юритиш учун қилинган харажатлар ва шу Шартнома бўйича тўланган суғурта товонларини ушлаб қолган ҳолда, суғурта мукофотини қолган даврига мутаносиб қисмини 30 (ўттиз) иш кунда миқдорнинг аризасига асосан кўрсатилган ҳисоб рақамга қайтаради.

7.3. Шартноманинг 7.2. бандида кўрсатилмаган ҳолатларда ёки Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчининг шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги сабабли шартнома бекор қилинса, тўланган суғурта мукофот қайтарилмайди.

7.4. Агар суғурта шартнома имзолангандан сўнг 30 кун ичида суғурта мукофоти тўланмаса, шартнома кучга қирмаган бўлиб, бекор қилиниши мумкин.

7.5. Суғурта мукофоти шартномада белгиланган муддатларда тўла ёки қисман тўланмаслиги “шартномани жиддий бўзилиши” ҳисобланади ва ЎЗР “Хўжалик субъектларининг шартнома-ҳуқуқий базаси тўғрисида” Қонуннинг 15-бандига асосан Суғурталовчи томонидан шартномани бекор қилишга олиб келади.

## **8. РЕГРЕСС ХУҚУҚИ**

8.1. Агар суғурта ҳодисаси учинчи шахслар айби билан содир этилган бўлса ва уларга нисбатан Суғурта қилдирувчининг талаб қилиш ҳуқуқи бўлса, унда суғурта товонини тўлаб берган Суғурталовчи қоплаб берган зарар миқдорида талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

8.2. Суғурта товонини олган суғурта қилдирувчи ўзидан суғурталовчига ўтган суғурта ҳодисаси учун жавобгар шахсдан талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни суғурталовчига бериши ҳамда талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун барча чораларни кўриши керак.

## **9. ФОРС - МАЖОР**

9.1. Форс - мажор ҳолатида томонлар суғурта шартномаси бўйича ўзларига олган мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар.

9.2. Суғурта шартномасини бажарилишига бевосита таъсир этган фавқулотда, олдини олиб бўлмайдиган ва ушбу шароитда кўзда тутилмаган табиат ҳодисалари (зилзила, ер ости қаватларининг силжиши, бўронлар, қурғоқчилик ва суғурта шартномасида кўзда тутилмаган бошқа табиий офатлар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (харбий ҳаракатлар, иш ташлашлар, давлатлараро ва давлат идораларининг чекловчи ва тақиқловчи чоралари, шунингдек ҳукумат қарорлари ва хоказолар) форс-мажор ҳолатига қиради.

9.3. Форс - мажор ҳолатлари бошланганда ва тугаганда бу ҳақида томонлар бир-бирларини ёзма равишда хабардор қиладилар. Агар форс - мажор ҳолатлари бошланса, томонларнинг мажбуриятларини бажариш муддати форс-мажор давом этган муддатгача узайтирилади. Форс - мажор ҳолатлари таъсири тегишли ваколатли органлар ҳужжатлари билан тасдиқланади.

## **10. НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ**

10.1. Суғурта шартномасидан келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

Келишувга эришилмаган ҳолда эса, низо ва келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида кўзда тутилган тартибда суд тартибида ҳал этилади.

## **11. БОШҚА ШАРТЛАР**

- 11.1. Томонларнинг мазкур Шартномада баён қилинмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ тартибга солинади.
- 11.2. Мазкур Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар барча шартнома қатнашчиларининг розилиги билан ёзма равишда киритилиши мумкин.
- 11.3. Мазкур Шартнома имзолангандан сўнг **Суғурталовчи** белгиланган суғурта мукофоти тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади ва ўз вақтида тўланмаган ёки кечиктирилган ҳолларда ҳар бир кечиктирилган кунига тўланадиган суммадан 0,2%, жамми 50% дан ошмаган миқдорда жарима белгилашга ҳақлидир. **Суғурта қилдирувчи** ўз навбатида, унга тегишли бўлган суғурта қопламаси тўланиши кечиктирилган ҳолларда ҳар бир кечиктирилган кунига тўланадиган суммадан 0,2%, жамми 50% дан ошмаган миқдорда жарима белгилашга ҳақлидир.